




Course: Islamic Finance

Lecture 6: Islamic Banking Services (Project financing)

Lecturer: Dr. Shaamirova Surayyo

Бай ас-салам



Бай ас-Салам таърифи

- Салам ёки салаф олдиндан тўлаш/пул ўтказишни англатади.
- Салам олди-сотди шартномасида сотувчи келажакдаги аниқ бир муддат/вақтда муайян маҳсулотни харидорга етказиб беришни ўз зиммасига олади, маҳсулот учун 100%лик тўловни эса битим тузилаётган вақтда, яъни олдиндан олади.

Салам шартномасининг қонунийлиги

- Салам шартномаси ислом молия тизимидаги алоҳида бир битим бўлиб, бошқа шартномалардан тубдан фарқ қилади.
- Бу, кичик фермер-деҳқонларга кўмак бўлиши нуқтаи-назаридан йўл қўйилгандир, чунки улар етарли даражада айланма маблағга эга бўлмаганликлари сабабли хосилни етиштиришга қийналишади.

Қуръон ва Суннатдан далил

- ***“Эй иймон келтирганлар! Маълум муддатга қарз олди-берди қилган вақтингизда, уни ёзиб қўйинг”*** (2, 282-ояти) билан собит бўлган.
- “Ким хурмода салаф қилса уни маълум кайлда маълум вазнда салаф қилсин” (Саҳиҳ Бухорий. Салам китоби, 2239 ҳадис)

Салам шартномасининг муҳим жиҳатлари

- Шартнома тарафлари: харидор ва сотувчи
- Салам мавзуси: объект/ товар ва нарх
- Саламнинг хулосаси: таклиф ва қабул билан якунланади
- Товар / маҳсулотни етказиб бериш

Бу савдо тури бир неча шартлар билангина жоиз бўлади. Баъзи шартлар ақдни ўзига тегишли бўлади, баъзи шартлар пулга, баъзилари мусламуни фиҳга тегишли бўлади ва баъзилари товарни топширишликка тегишли бўлади.

Салам савдосини тартибга солувчи шартлар

- Салам дуруст бўлиши учун харидор олди-сотди битимини имзолаётган пайтда сотувчига мол нархини тўлиқ тўлаши керак. Маҳсулот нархини тўлашни кечиктириш бир қарзни иккинчи қарзга айирбошлаш бўлиб қолади (дайн).
- Салам савдоси фақат сифати ва сони/миқдори аниқ ўлчанадиган маҳсулотларга нисбатан қўлланилиши мумкин. Масалан, қимматбаҳо тошларни салам орқали сотиб бўлмайди, чунки ҳар бир қимматбаҳо тош бошқа қимматбаҳо тошдан сифати, ҳажми ёки оғирлиги жиҳатдан фарқ қилади, ва уларнинг аниқ тавсифини бериш деярли имконсиз.
- Салам савдосини муайян бир мол ёки муайян бир дала ёки хўжаликнинг маҳсулотига қўллаб бўлмайди.
- Салам орқали сотилиши мўлжалланган маҳсулот тўлиқ таснифланиши шарт. Низога сабаб бўлувчи биронта тушунарсиз ҳолат қолмаслиги керак.

Салам савдосини тартибга солувчи шартлар (давоми)


- Маҳсулотнинг миқдори ҳам умумий ўлчов/вазн бирликларида келишилган бўлиши керак.
- Шартномада етказиб беришнинг аниқ вақти ва жойи келишилган бўлиши лозим.
- Салам олди-сотдиси битим имзоланиши билан дарҳол етказиб берилиши шарт бўлган нарсаларга нисбатан қўлланилмайди.
- Салам битими асосида сотилаётган маҳсулот етказиб бериш пайтида бозорда бемалол топиш мумкин бўлган маҳсулотлардан бўлиши керак.

Салам шартномасининг манфаатдорлари

- Салам битими асосан қуйидагиларга манфатлидир:
 - ✓ Сотувчи учун, чунки у нархни олдиндан белгилаш имкониятига эга.
 - ✓ Харидор учун, чунки маҳсулот нархи одатда бозор нарларидан арзонроқ бўлади.
 - ✓ Фоизли кредитнинг жуда яхши муқобили ҳисобланади, чунки салам ёрдамида деҳқон-фермерлар ўз маҳсулотларини етиштириш ва олдиндан сотиш имконини беради.

Салам шартлари (давоми)

Харидор кафолат
ёки гаровни
тақдим этиш
талаби билан
сотувчига
мурожаат қилиш
ҳуқуқига эга.



Харидор Салам
буюмини сотиб
олишдан олдин
уни учинчи шахсга
қайта сотиш
орқали сотиш
ҳуқуқига эга эмас.

Салам шартномасининг манфаатдорлари




- Салам қишлоқ хўжалигини молиялаштириш учун муносибдир

- Салам нархи ва бозор нархи ўртасидаги фарқ банк фойдасидир (салам битими бозор нархлари тушиб кетса сотувчининг, ошиб кетса харидорнинг хатарларини табиий равишда камайтиради (суғурталайди).


Салам ИБ молиялаштириш усули сифатида

- Банк иккита Салам шартномасини тузади.
- Биринчи Салам деҳқондан мол сотиб олувчи сифатида, иккинчиси Салам маҳсулотини сотувчи сифатида.
- Иккинчи Саламнинг даври қисқароқ бўлганлиги сабабли, параллел Саламдаги нарх биринчи Саламга қараганда юқори бўлиши мумкин.
- Иккинчи Салам шартномаси биринчи Салам шартномасидан алоҳида бўлиши ва унга боғлиқ бўлмаслиги керак, яъни биринчи Салам шартномасида етказиб беришнинг мумкин эмаслиги Банкни харидорга маҳсулотни етказиб бериш мажбуриятидан озод қилмайди.
- Параллел салам фақат учинчи шахс билан рухсат этилади.

Салам ИБ молиялаштириш усули сифатида




Учинчи томондан сотиб олишга ваъда бериш



Саламдаги хатарлар ва уларни камайтириш

ХАТАРЛАР	ТАФСИЛОТЛАР	КАМАЙТИРИШ
Маҳсулотни етказиб бера олмаслик	Бу ҳолат кутилмаган фавқулдда ҳолат (форс-мажор) ёки ҳосилнинг етишмаслиги каби ташқи кучлар туфайли сотувчи маҳсулотни етказиб бера олмаслиги мумкин.	<ul style="list-style-type: none">a) Товарлар мавжуд бўлгунча кутиш.b) Банк шартномани бекор қилиши ва Салам пулини қайтариши мумкин.c) Хатарни камайтириш учун банк гаров талаб қилиши мумкин.d) Банк маҳсулотни алмаштириш ҳуқуқига эга; Алмаштирилаётган товарларнинг бозор қиймати Салам мавзуси бўлган асл товарларнинг бозор қийматидан ошмаслиги шарти билан.
Сифатидаги хатар	Ишлаб чиқарувчи нуқсонли / паст сифатли маҳсулотларни етказиб бериши	Банк товарни рад этишга ёки арзонлаштирилган нарҳда қабул қилиши мумкин.
Нарҳдаги хатар	Харидор етказиб бериш санасида бозор нархи сотувчига тўланганидан пастроқ нарҳга тушиб кетиш ҳолати	Нарҳлар хавфини камайтириш учун харидор учинчи шахс билан параллел Салам шартномасини тузиши ёки учинчи шахсдан маҳсулотни белгиланган нарх бўйича биринчи харидор учун харидор / банкдан сотиб олиш тўғрисида ваъда олиши мумкин.
Сақлашдаги хатар	Ишлаб чиқарувчи томонидан етказиб берилгандан сўнг товарлар охириги харидорга сотилгунга қадар Банк зиммасида бўлади.	<ul style="list-style-type: none">a) Салам товарлари учун Такафул қопламасини олиш.b) Салам бўйича етказиб беришни қабул қилиш ва якуний харидорга етказиб бериш ўртасидаги вақт давомийлигини минималлаштириш.

Истисна



Таърифи

- **Луғавий маъноси (айнан):**
 - «Истисна» сўзи, «кимдандир бирор нима ясаб/тайёрлаб беришни илтимос қилиш»ни англатади.
- **Техник жихатдан:**
 - Ишлаб чиқарувчи ва буюртмачи-харидор ўртасида тузилган, ишлаб чиқарувчи бирор нимани муайян нархда ишлаб чиқариб/ясаб/қуриб, белгиланган муддатда харидорга топшириши кўзда тутилган шартнома Бай ал- Истисна дейилади.
- Истисна битимида қуйидагилар ишлаб чиқарувчи зиммасида бўлиши назарда тутилади:
 - Хом-ашё ва ишчи кучи;
 - Буюртма берилган нарсани белгиланган муддатда ишлаб чиқариш.

Суннатдан далил

- ❖ Саҳл ибн Саъд розияллоҳу анҳу шундай дейди: **“Расулуллоҳ Фалончи (ансорлардан бўлган бир аёл)га элчи жўнатдилар. Саҳл унга Расулуллоҳ сўзларини етказди: “Дурадгор қулинга буюргинки, менга одамларга гапираётганимда устига ўтиришимга дарахтлардан (минбар) ясаб берсин”** (Саҳиҳул Бухорий. Жума китоби. Минбарда хутба қилиш боби. 917-ҳадис).
- ❖ Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: **“Расулуллоҳ ажам халқларга мактуб ёзишни ирода қилган пайтларида у зот учун улар мактубларни муҳр босилган бўлсагина қабул қилишлари айтилди. Узук ясаттирдилар. Расулуллоҳ бу узукни ўзлари ясамаганлар, балки бошқа бировга буюртма берганлар** (Термизий. Шамоил. Расулуллоҳ узугининг зикри ҳақида келтирилган ҳадислар боби. 91-ҳадис).

Истисна шартномасининг муҳим жиҳатлари

- **Шартнома томонлари:** ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари керак, яъни улар вояга этган, етук ва ақли расо бўлиши керак.
- **Истисна мавзуси:** объект/ товар ва нарх.
- **Истиснанинг хулосаси:** таклиф ва қабул билан якунланади.
- **Проектни / объектни етказиб бериш.**

Истисна турлари


Классик (мумтоз) Истисна

- Бу оддий истисна битими бўлиб бунда икки томон, яъни буюртмачи (мустасни) ва ишлаб чиқарувчи (сани) қатнашади

Параллел (ёндош) Истисна – молиялаштириш шартномаси

- Бу икки қисмдан иборат мустақил истисна шартномалари бўлиб, бунда биринчи шартнома якуний харидор (мижоз) ва сотувчи (Банк) ўртасида тузилади ва унга кўра сотувчи (Банк) буюртма берилган нарсани харидорга етиб боришини таъминлайди.

Параллел Истисна битими тузиш



Истисна молиялаштириш усули сифатида

- Истисна ишлаб чиқариш ёки қуриш керак бўлган активларни молиялаштириш учун ишлатилади.
- Узоқ муддатли лойиҳаларни молиялаштириш (проектное финансирование) да қўлланилади.
- Параллел Истисна молиялаштириш усули сифатида: бунда Банк №1 мижоз билан шартнома тузади ва бир пайтнинг ўзида ишлаб чиқарувчи/қурувчи ташкилот билан бошқа (параллел) мустақил шартнома имзолайди.
- Ушбу икки шартнома мустақил, яъни бир-бирига тобе/боғлиқ бўлмаслиги лозим. Яъни қурувчи ташкилотнинг ўз мажбуриятини бажармаганлиги иккинчи томон (яъни Банк)нинг ўз мажбуриятларини бажармаслигига сабаб бўлолмайди.

ИСТИСНАНИНГ ДУРУСТЛИК ШАРТЛАРИ

- Ақдлашилаётган нарса (объект) санъат яъни ҳунар (иш, меҳнат)га муҳтож бўлиши. Санъатга муҳтож бўлмайдиган нарсаларда истисна қилиш мумкин эмас.
- Объект бир неча сифатлар билан белгиланган бўлиши. Истисна объекти зоти таъйин топган нарса бўлмаслиги лозим. Мисол учун: муайян машина.
- Объектни топширишга кечиктириш учун муҳлат белгиланмаслиги.

Етказиб бериш шартлари ва муддати

- ❖ Маҳсулотни етказиб бериш вақти битимда аниқ кўрсатилиши лозим, акс ҳолда бу тушунмовчилик ва зиддиятларга сабаб бўлади
- ❖ Агар ишлаб чиқарувчи узрли сабабсиз молни ўз вақтида етказиб бермаса, буюртмачи ундан жарима ундириши мумкин.
- ❖ Ясалган нарса топширишдан олдин ясовчининг зоминлиги остидадир. Шундай экан, ясовчи товарни сақлаш, қўриқлашдан иборат мулкка тегишли ишларнинг барчасини бўйнига олади. Агар мол топширишдан олдин ҳалок бўлса, ясовчининг молидан ҳалок бўлган ҳисобланади.
- ❖ Ясалган нарса ясовчининг мулки эканлиги ва топширилишидан олдин буюртмачининг мулки эмаслиги сабабидан буюртмачининг ўзига топширилишидан олдин у (буюртмачи) товарни сотиши жоиз бўлмайди.

Истиснада нарх-наво бўйича шартлар

- ❖ Истисна нархи пул кўринишида, мулк кўринишида ёки узуфрукт (usufruct), яъни манфаат кўринишида бўлиши мумкин.
- ❖ Истисна бўйича тўлов аввал тўланиши ҳам (предоплата), бирданига тўланиши ҳам (единовременный платеж), бўлиб тўланиши ҳам (рассрочка), турли муддатларда (яъни ишлаб чиқариш жараёнига боғлиқ ҳолда) тўланиши ҳам мумкин.
- ❖ Истисна нархи буюртма ишлаб чиқилиши жараёнида хом-ашё нархининг сезиларли даражада ўсиши ёки буюртма хусусиятлари ўзгариши оқибатида ўзгариши/кўтарилиши мумкин. Тўлов муддати ўзгариши сабабли истисна нархи ошиши мумкин эмас.
- ❖ Агар ишлаб чиқилган маҳсулот буюртмада кўрсатилган қандайдир талабларга мос бўлмаса буюртмачи-харидор маҳсулот нархини шунга мос равишда туширишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Истиснада хатарни камайтириш

ХАТАРЛАР	ТАФСИЛОТЛАР	КАМАЙТИРИШ
Ўтказиб бериш хатари	Товарларни ишлаб чиқарувчидан банкка отказиб беришнинг кечикиши	Ҳар бир кечиктирилган кун учун жазо белгилаш
Ишни бажара олмаслик хатари	Белгиланган вақт ичида Ишлаб чиқарувчи товарларни ишлаб чиқара олмаслиги ва масъулиятни ўз зиммасига олишдан бош тортиши	Банк Истисна шартномасини бекор қилиши ва пулни ишлаб чиқарувчидан қайтаришини талаб қилиши мумкин. Ёки банк ишлаб чиқарувчини ишидан қониқгандан кейин пулни қисмларга бўлиб тўлаши мумкин.
Сифатидаги хатар	Ишлаб чиқарувчи нуқсонли / паст сифатли маҳсулотларни отказиб бериши	Банк товарни рад этишга ва пулни қайтариб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

Истиснада хатарни камайтириш (Cont.,)

ХАТАРЛАР	ТАФСИЛОТЛАР	КАМАЙТИРИШ
Нархдаги хатар	Объектнинг бозор нархи пасайиши	Параллел Истисна ёки учинчи шахсдан сотиб олишга ваъда олиш хатарни камайтиради.
Сақлашдаги хатар	Ишлаб чиқарувчи томонидан етказиб берилгандан сўнг товарлар охириги харидорга сотилгунга қадар Банк зиммасида бўлади	Бу товарларни Такафул орқали ва Истисна бўйича етказиб беришни қабул қилиш билан якуний харидорга етказиб бериш ўртасидаги вақтни минималлаштириш орқали қопланиши мумкин.

Истисна ва Салам ўртасидаги фарқлар

Истисна	Салам
Истисна шартномасининг мавзуси (субъекти) доимо ишлаб чиқариш талаб этадиган нарса бўлади.	Салам битимида эса ишлаб чиқариш талаб этиладиган ёки талаб этилмайдиган нарса ҳам бўлиши мумкин.
Истиснада маҳсулот нархи тўлиқ равишда олдиндан тўланиши шарт эмас.	Салам савдосида маҳсулот нархи тўлиқ равишда олдиндан тўланиши шарт.
Истисна шартномаси ишлаб чиқарувчи ишни бошламасдан олдин бир томонлама бекор қилиниши мумкин	Салам шартномаси кучга киргандан сўнг бир томонлама бекор қилиниши мумкин эмас
Истисна шартномасида етказиб бериш муддатининг кўрсатилиши шарт эмас.	Салам савдосида етказиб бериш муддати шартноманинг энг муҳим қисми саналади.

Фойдаланилган адабиётлар

- Accounting and Auditing Organization for Islamic Financial Institutions (AAOIFI). (2015). *Shari'ah standard No. 10: Salam and parallel Salam*. In *Shari'ah standards*. AAOIFI.
- Accounting and Auditing Organization for Islamic Financial Institutions (AAOIFI). (2015). *Shari'ah standard No. 11: Istisna'a and parallel Istisna'a*. In *Shari'ah standards*. AAOIFI.
- Hassan, M. K., Kayed, R. N., & Oseni, U. A. (2013). *Introduction to Islamic banking and finance: Principles and practice*. Pearson.
- Usmani, M. T. (2002). *An introduction to Islamic finance*. Kluwer Law International.

